



THE INFLUENCE OF THE ARABIC LANGUAGE ON CENTRAL ASIA

Sherzod Abduganiyevich Iskandarov

Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in History

Tashkent Medical Academy

Department of Social Sciences

E-mail: Iskandarov54@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: globalization, information, communication, Sogdian, Turkic, Persian, nationalization, Uzbek, Turkmen, Tajiks, qaymoq, qishma.

Received: 02.07.26

Accepted: 03.07.26

Published: 04.07.26

Abstract: This article examines how, in the contemporary era of globalization and rapid developments in information and communication, every nation strives to preserve its unique way of life, ethnographic traditions, and material and spiritual cultural heritage. In particular, it analyzes the distinctive linguistic features that serve as one of the principal factors in the ethnocultural identity (ethnic self-awareness) of the Arabs of Central Asia.

АРАБ ТИЛИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ТАЪСИРИ

Шерзод Абдуганиевич Искандаров

Тошкент тиббиёт академияси

Ижтимоий фанлар кафедраси

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент

Iskandarov54@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: глобаллашув, информацион, коммуникация, суғд, турк, форс, “миллийлаштириш, ўзбек, туркман, тожиклар, қаймоқ, қишма.

Аннотация: Мазкур мақолада бугунги глобаллашув, информацион ва коммуникация даврида ҳар бир халқ ўзининг маълум бири турмуш-тарзи ва этнографияси, моддий ва маданий маънавиятини сақлаб қолишга қаратмоқда Жумладан, Марказий Осиё арабларининг этномаданий идентиклиги (этник ўзлигини англаш)даги асосий омиллардан бири

ВЛИЯНИЕ АРАБСКОГО ЯЗЫКА НА ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ

Шерзод Абдуганиевич Искандаров

Ташкентская медицинская академия

Кафедра социальных наук

Доцент, доктор философии (PhD) по историческим наукам

E-mail: Iskandarov54@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: глобализация, информация, коммуникация, согдийский язык, тюркские языки, персидский язык, национализация, узбеки, туркмены, таджики, каймоқ (сливки), кишма.

Аннотация: В данной статье рассматривается, как в современных условиях глобализации и стремительного развития информационно-коммуникационных технологий каждый народ стремится сохранить свой уникальный образ жизни, этнографические традиции, материальное и духовное культурное наследие. В частности, анализируются специфические особенности языка как одного из основных факторов этнокультурной идентичности (этнического самосознания) арабов Центральной Азии.

XX аср дунё тарихида глобаллашув, информатик ва коммуникация даврининг ривожланиши жараёни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар даври тарзида тарихда қолди. Айниқса, халқларнинг турмуш-тарзи ва этнографияси, моддий ва маданий маънавиятини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Жумладан, Марказий Осиё арабларининг этномаданий идентиклиги (этник ўзлигини англаш) ва маданиятини ўрганиш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан биридир.

Тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий изланишларнинг аксарият қисмида араблар маданиятини ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар баён этилган. Араб халифалиги даврини тадқиқ этган олимлардан бири О. Г. Большаков араблар Марказий Осиёга араб тилини олиб келганлигини таъкидлайди. У аббосийларнинг тахтга чиқиши мусулмон оламида араб тилининг янада кенг тарқалишига сабаб бўлди дейди. Ўша даврдан бошлаб бутунхалифалик ҳудудларида исломлаштириш ва араб тилини кенгрок ёйиш бошланган. Чунки бутунда Қуръони карим нозил бўлган ва диний-ҳукукий ривоятлар оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Демак, аббосийлар даврида араб маданияти, жумладан, ислом

маданияти Марказий Осиёда ҳам кенг тарқала бошлаган. Бу даврда бутун бошли бир халифалик ҳудудидаги халқлар бир-бирларининг маданияти ва қадриятларини ўзлаштириб, маълум маънода турмуш тарзини тубдан ижобий ўзгартириб юборган.

Юқорида қайд қилинганидек, маданий ҳаётнинг ислом маънавияти билан тўлдирилганлиги айрим салбий таъсирлардан ҳимоя қилган. Чунончи, мажбурий исломлаштиришга қарши ерли аҳолининг чиқишлари жуда қаттиқ жазоланган. Муаррих Наршахийнинг ёзишча, арабларнинг янги эътиқоди мажусийлик–кўпхудоликка эътиқод қилган аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Чунки араблар Марказий Осиёни босиб олишларидан олдин маҳаллий туб ерли аҳоли суғд, турк, форс тилларида ёзиб, шу тилларда мулоқот қилишган ва давлат ишларини ҳам ўша тилларда олиб боришган. Бу эса ҳудудда ўзига хос тил шаклланиб келганлигидан далолат беради. Араблар Марказий Осиёда ислом дини, араб тилини сингдириш мақсадида агрессив сиёсат олиб боришган. Аббосийлар даврида бошқа тиллар билан бирга араб тили кенг тарғиб этилди.

Араблар кейинчалик маҳаллий халқлар бўлган ўзбек, туркман, тожиклар билан яқин муносабатда яшаб келишган. Муайян этносга мансубликнинг зарурий омилларидан бири бу ўз-ўзини англашдир. Ўз-ўзини англаш кишининг ўзини билиши, этник ўзлигини англаши, яъни ўзини бошқалардан ажратган ҳолда «биз ва улар» деб ажратиб, этномиллий қадриятларни тиклаши ва уни келажак авлодга етказишдир.

Тарихдан маълумки, жамиятга турфа муносабатда бўлиш жараёнида киши ўзини муайян гуруҳга мансуб деб ҳисоблайди. Барча кишилар жинсий, касбий, ёш, синфий, этник ва ҳоказо гуруҳларга мансублик хусусиятига эгадир. Айнан этник ўзликни англаш туфайли киши ўзини бошқа бир киши билан таққослай олади. Этник ўз-ўзини англаши туфайли киши ўзининг муайян этник гуруҳ вакили эканлигини фарқлай олади. Этник ўзликни англаш, асосан, кишининг муайян этносга ҳослигини тан олишидир.

Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, этник ўзликни англашнинг асосий омилларидан бири тил ҳисобланади. Жумладан, В. И. Козлов этник жамоанинг асосий белгиларини қуйидагича изоҳлаган: «Этник ўз-ўзини англаш ва ўз миллий номига эга бўлишлик тил, ҳудуд, психик хусусиятлар, маданият ва маиший турмуш, ижтимоий-ҳудудий ташкилотларнинг маълум шакллари...».

Маълумки, этнолингвистика соф лингвистик йўналиш сифатида XX асрнинг биринчи чорагида шаклланди. Унинг асосчиси сифатида Ф. Боас эътироф этилади. Ф. Боас асос солган этнолингвистиканинг бош вазифаларидан бири ҳинду қабилаларининг генетик қариндошлиги масаласини аниқлаш эди. Ҳар бир халқнинг ўзига хос жиҳатларини билиш, бирламчи этник ўзликни англаш омилларидан бири унинг тарихи ва тилидир. Этнографик

тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳар бир халқнинг этник ўзлигини англашида турмуш тарзи, анъанавий маданияти, шунингдек, тили катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, унинг тил билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил этиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Марказий Осиёда яшаб келаётган араблар ва уларнинг лингвистик ўзига хос хусусиятлари борасида И. Н. Винников, Г. В. Церетели, Н. Н. Бурикина, М.М.Измайлова, Г. Г. Чиковани, М. Саидов, П. Равшанов, Р. Ражабов каби олимлар тадқиқотлар бажарилган. Улар Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи арабларнинг тилидаги ўзига хослик ва умумийликни ўзаро қиёсий таҳлил қилишган.

XX асрнинг 30-йиллари бошларида Н. Н. Бурикина ва М.М.Измайловалар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида кашф этилган янги араб тили диалектларини фавқулодда аҳамиятга молик далиллар сифатида баҳолашган. Арабшунос олим академик И. Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, айнан мазкур тадқиқотларда билдирилган фикрлар, яъни Ўзбекистон арабларининг шеvasи ўзига хос бебаҳо илмий қимматга эга эканлиги ҳақидаги қарашлар араб шевашунослигида бир қадар бурилиш ясалганидан дарак беради. Олимнинг тадқиқот ишлари араб шевашунослиги ва араб тилини ўрганишга бағишланган. Унинг илмий-тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатдики, араб тилининг Марказий Осиёда бугунги кунга қадар сақланиб қолиниши энг катта кашфиётлардан биридир.

Марказий Осиё республикаларида ҳозир асосан сиёсий ва социологик сабабларга кўра олиб борилаётган дерусификация (руссизлантириш) нинг жадал ҳаракати кузатилмоқда. Тил масаласи айниқса нозик жиҳатдир, чунки у фаол фуқароларни пасив фуқаролардан ажратиб туради. Мустақиллик эълон қилинишидан анча олдин (Тожикистонда 1989 йил июл, Қозоғистонда 1989 йил сентябр) барча республикалар ўз тилларини миллий тил сифатида қабул қилишган. Мустақилликдан кейин Жазоирда содир бўлган вазиятга ўхшаб, “мустамлакачи” тилига қарши кураш ҳамма жойда бу тилда амалда ўз миллий тилларидан яхшироқ сўзлашувчи одамлар томонидан олиб борилди. Аммо, ўн йил олдин одамлар ҳатто болалари билан фақат рус тилида гаплашишга ҳаракат қилган жойларда ҳам миллий тилга қайтишнинг аниқ белгилари пайдо бўла бошлади. Бундай ҳаракат энг кўп қозоклар орасида кузатилди, чунки у ерда рус тили асосий (устун) эди. Туркманлар эса асосан туркманзабон бўлиб қолишганди. Ўзбеклар орасида эса сиёсий саҳнани кузатиш ўзбек тилининг мустақилликка эришганидан то 1996-йилда етуклик босқичигача бўлган бир текис тараққиётини кўрсатади. Тожиклар орасида форс тили дунёвий зиёлилар, диний муҳит ва қишлоқ аҳолисининг бир қисми орасида доимо обрўли тил бўлиб келган.

XX асрда совет тузумининг миллий сиёсати натижасида собиқ иттифоқ таркибидаги миллатларнинг миллий тил хусусиятлари таъзйиқ остига олинди. Айниқса, араб тили ва алифбосида яратилган ёзма ёдгорликларнинг йўқ қилиниши, ёзувда араб алифбосининг лотин ва кейинчалик кирилл алифбосига алмаштирилиши нафақат ўзбек халқи балки, арабларнинг ҳам тил хусусиятларига салбий таъсир ўтказган. Бу даврда ёш авлоднинг совет мактабларида янги алифбо лотин ва кейинчалик кирилл алифбосида савод чиқариши, ўзбек адабий тил нормаларининг ҳаётга тадбиқ этилиши эски ўзбек ёзуви, тили ва шу билан биргаликда араб тилининг ҳам кундалик мулоқотдан аста-секинлик билан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

Мустақилликка эришилгандан кейин, Тожикистондан ташқари барча давлатлар ҳар доим ҳукмрон этник гуруҳнинг тиллари бўлган ўзларининг “миллий тиллари” ни тарғиб қилишга қаратилган қатъий қонунларни қабул қилдилар. Қирғизистонда 1989-йил сентябрда қабул қилинган қонуннинг 8-моддасида барча амалдорлар ўз қўл остидагилар билан қирғиз тилида гаплаша олишлари шартлиги таъкидланиб, бу назарий жиҳатдан қирғиз тилида гапирмайдиган европа тилларида гапирувчи фуқароларнинг аксариятини масъулиятли лавозимлардан истисно қилади. Шунга ўхшаш қонунлар Ўзбекистон ва Туркменистонда ҳам учрайди ва улар фаол равишда қўлланилмоқда.


Тил сиёсати, айниқса, руслар ва «мусулмонлар» ўртасида унчалик эмас, балки қишлоқдан чиққан зиёли элита аъзолари ҳамда маҳаллий руслашганлар ўртасида ижтимоий мавқе юқорилашиши учун кураш билан боғлиқ соҳаларда қўлланилади. Мустақилликка эришгунга қадар, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, мартаба кўтарилиши учун “рус мактаблари” деб аталган мактаблардан бирида ўқиган бўлиш керак эди. Таълим даражаси юқори эди, ҳамда рус тили давлат ва ижтимоий обрў тили саналарди. Келажаги унчалик умидли бўлмаган ўқувчилар маҳаллий тилдаги мактабларда ўқирдилар. Бирок, кўпинча Марказий Осиё қишлоқларининг демографик босими остида қолган бундай ўқувчилар тил сиёсатининг қат'ий қўлланилишини олқишлайдилар, чунки бу илгари русийзабонлар учун ажратилган ишларга кириш учун йўлдир. Бу ҳаракатга қаршилик кўрсатиш ўрнига, бугунги кунда ҳокимиятда бўлган руслашган элита яна бир сакрашни амалга оширишга қарор қилди. У миллий тилни мамлакатнинг ягона тили бўлишини талаб қилди, бу қисман қишлоқдан келаётган ёшларнинг исломизм томонидан ўзига жалаб қилиши мумкин бўлган эҳтимолий таҳдидни бартараф этиш, шунингдек, Совет чўпчаги йўқолганидан кейинги бир пайтда қонунийликнинг ягона асоси миллийликка урғу беришга айланди.

Учта давлат (Ўзбекистон, Туркменистон ва Озарбайжон)да миллий тилни аҳамиятини ошириш алифбони ўзгартиришни ҳам қамраб олади. Аксарият мамлакатларда тил ислохотини назорат қилиш учун комиссиялар тузилиб, улар иккита асосий масала – “деруссификация” ва “миллийлаштириш” билан шуғулланади. Бошқача айтганда, туркий тилларни бир-бирига яқинлаштириш ёки уларни бир хиллаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишлардан воз кечилади. Бу ерда бир томондан Тожикистон ва Озарбайжондаги, иккинчи томондан эса Марказий Осиёнинг туркий мамлакатларидаги тил ҳолатини турли маънода кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайман.

Марказий Осиёнинг айрим араб қишлоқларида ўзига хос этномаданий этник ўзликни англашни кузатилади. Бунинг ўзига хос муҳим сабабларидан бири араб халқининг алоҳида яшаб келганлигини бўлиш мумкин. Чунки уларни катта қисми чорвачилик билан шуғулланган. Масалан, Қашқадарё вилояти Пўлати ва унга туташ бўлган Райимсўфи, Хўжақудук, Андабозор, Бойтерак, Дарча, Қанотли, Бўрихона, Пистали, Номард, Олачабон, Оғзикенг сингари ўнлаб қишлоқларда араб тилининг маҳаллий шеvasи сақланиб қолган. Араблар шеvasига хос хусусиятлар, асосан, Пўлати ва унга яқин жойлашган қишлоқлар: Олачабон, Райимсўфи, Бўрихона аҳолиси тилида қисман учрайди. Бироқ бугунги кунда юқоридаги номлари қайд этилган араб қишлоқларида араб тилининг айрим кўринишлари сақланиб қолган бўлса-да, ўзбек тили жонли сўзлашув ва мулақот тили бўлиб қолган.

Марказий Осиё арабларининг минтақада юз берган этномаданий жараёнларда иштироки икки томонлама борган. Биринчидан, улар асрлар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларига тортилган бўлсалар, уларнинг бир қисми этник ўзлиги (идентиклиги)ни сақлаб қолганлар. Бу, улар орасида ҳалигача ўзларини араб деб эътироф этувчи ёки она тилларини қисман сақлаб қолган аҳоли гуруҳининг мавжудлигида ўз ифодасини топади.

Дала тадқиқотлари натижасида Қашқадарё вилоятининг Жейнов ва Пўлати қишлоқларида араб тилининг оғзаки элементлари сақланиб қолганлигини кузатдик. Тожикистоннинг Айвач қишлоғида ҳам араб тилининг айрим ўзига хос лингвистик ҳолатлар сақлаб қолган. Кекса ёшли ахборотчиларнинг таъкидлашича, илгари уларнинг ота-оналари, боболари ўзаро араб тилида сўзлашишган. Ҳозирги катта авлод вакиллари орасида ҳам қисман араб тилининг айрим сўзлашув элементлари сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Респондентларнинг араб тилини қай даражада билиши ҳақида савол берганимизда уларнинг 83 фоизи билмайман деб жавоб берган ҳолда 17 фоизигина у ёки бу даражада билишини айтиб ўтган.



Араблар ўз она тилини йиллар ўтиши билан унута бошлаган. Сўровнома натижаларида араб ёшлари орасида араб тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж йўқ. Чунки мактабларда ўзбек тилидаги дарсликлардан фойдаланилиши ҳамда араб тилининг фан предмети сифатида ўрганилмаганлиги каби омиллар ҳам араб тилини билувчи арабларнинг фарзандлари орасида тобора ушбу тилнинг мулоқот воситасидан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

Тадқиқот даврида арабларнинг этномаданиятига доир баъзи ўзгаришлар қайси асрларда юз берганлиги тўғрисида сўров ўтказганмизда, ўзларини Амир Темур даврида кўчиб келган деб ҳисобловчи информаторларнинг катта қисмида этник ўзликни англашнинг баъзи жиҳатларини кўриш мумкин. Амир Темур давридан олдин ҳам араблар бир неча марта минтақага кўчиб келиб ўрнашган. Бироқ улар ўзига хос хусусиятларини унутиб, ўзбек, тожик ва туркманлар турмуш тарзига сингиб кетишган.

Араблар йиллар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларига тортилган бўлса-да, уларнинг бир қисми этник ўзлигини (идентиклигини) сақлаб қолган. Жумладан, Навоий вилояти Навбаҳор туманига қарашли Арабхона қишлоғи ҳудудида истиқомат қилиб келаётган кекса кишиларнинг аксарияти олдинлари араб тилида гаплашишган. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги араб тилини унутиб, ўзбек ва тожик тилида мулоқот қилишади. Жугари қишлоғида истиқомат қилиб келаётганлар эса тожик, ўзбек, араб тилларида гаплашишади. Респондентлардан бири «бизлар араб миллатдошларимиз билан араб тилида, ўзбек ёки тожик миллатга мансуб кишилар билан уларнинг тилида суҳбатлашамиз», деб таъкидлади.

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи араб аҳолисининг маълум қисми Қашқадарё вилояти Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғидан кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ҳозирги кунда ўзбеклашиб кетган.

Дарҳақиқат, арабларнинг асосий қисми даврлар ўтиши билан ўз она тилини унутишган. Масалан, Навоий вилояти ҳудудида жойлашган Катта Арабхона, Арабхона қишлоғида ва юртимиздаги бошқа араблар яшаб келаётган қишлоқларда араб тили унутилган бўлиб, ўзбек тилида суҳбатлашишади. Бу ички ва ташқи таъсирлар натижасидир.

Жейнов арабларининг шеvasида қадимги Месопотамия аҳолиси тилига хос хусусиятлар учрайди, бироқ улар бадавийлар нутқида ҳам кузатилади. Месопотамия шевалари Марказий Арабистон бадавийлари нутқида жуда яқин туради.

Жугари лаҳжаси эса узоқ асрлардан бери сақланиб келади. Жугарилик араблар араб тили билан бир қаторда тожик ва ўзбек тилларини ҳам биладилар, лекин улар ўзаро арабча гаплашадилар.

Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган Чаҳдари ва Жугари қишлоқларининг биридан ажралиб турадиган жиҳати бу уларнинг шеvasидаги фарқдир. Бунга сабаб, Чаҳдарида ўзбек ва тожиклар кўпчиликти ташкил қилганлигидир. Уларнинг жуда кўп сўзларида ўзбекча, тожикча сўзлар учрайди. Жугарида эса кўпроқ араб тили сақлаб қолинган. Масалан, Чаҳдарида «қаймоқ» деб айтилса, Жугарида «қишма» деб айтилади. Ўзларини араб деб ҳисоблаш ҳолатлари Ўзбекистоннинг жуда кўп ҳудудларида учрайди. Тожикистон ёки Ўзбекистоннинг айрим қишлоқларида араб тилида гаплашадиган қишлоқлар учрайди. Бироқ, уларнинг тилини икки асосий лаҳжага ажратиш мумкин. Биргина Ўзбекистондаги араблар, яъни Бухоро ва Қашқадарё вилоятида жойлашган араб қишлоқларида икки хил шевада гаплашадилар. Бухорода ўзбек ва тожик тили шевалари устун бўлса, Қашқадарёда эса ўзбек ва қисман туркман шеваларининг таъсири кучли бўлган бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаши лозимки, илмий таҳлиллар натижасида шуни қайд этиш мумкинки, арабларнинг бугунги кунда ҳам этник ўзликти англашининг асосий омилларидан бири Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларидаги қишлоқлар ўзи она тилини унутмай сақлаб қолганлигидир. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир халқнинг тарихи билан боғлиқ жараёни таҳлил этиш асносида уларнинг ўзига хос локал миллий хусусиятига ҳам эътибор қаратиш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг: Большаков О. Г. Очерки истории арабской культуры, X–XI вв. – М: Наука, 1982. – С. 5.

2. Қаранг: Мухаммад Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 123–124.
3. Козлов В. И. Опонятии этнической общности // Совет этнография. – 1967. – № 2. – С. 111.
4. Қаххарова М. М. Ўзбек этнографияларининг системавий тадқиқи. – Тошкент, 2009. – Б. 13.
5. Бурыкина Н. Н., Измайлова М. М. Некоторые данные по языку арабов кишлака Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадариньского округа Узбекской ССР // Записки коллегии востоковедов. Т. 5. – Л., 1930; Церетели Г. В. Арабские диалекты Средней Азии. Т. I. Бухарский арабский диалект. – Тбилиси, 1956; Чиковани Г. Г. Некоторые вопросы истории и языка среднеазиатских арабов / Россия и арабский мир. Вып. 3. Спб. 1988. – С. 70–77; Морфологическая структура Кашкадарьинского диалекта арабского языка. – Тбилиси, 1988. – С. 3; Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи..... – Б. 202; Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар.... – Б. 128; Ўша муаллиф: Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Б. 416.
6. Чиковани Г. Г. Морфологическая структура Кашкадарьинского диалекта арабского языка. – Тбилиси, 1988. – С. 3.
7. Olivier Roy The New Central Asia The Creation of Nations NEW YORK UNIVERSITY PRESS Vashington Maydoni, Nyu York 2000 S 165-180
8. Рўзимуродов Т., Райхонов Э., Ҳамроев С. Такдир сўқмоқларида Пўлати кишлоғининг ўтмиши ва бугунига бир назар. – Қарши, Насаф. 2000. – Б. 14–15.
9. Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... – Б. 56.
10. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 161–162.
11. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Вобкент тумани Арабхона қишлоғи. 2012 йил.
12. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 139.
13. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Гиждувон тумани Чаҳдари қишлоғи. 2012 йил.